

**ФАРЗАНД ТАРБИЯСИГА БЕФАРҚ МУНОСАБАТДА БЎЛАЁТГАН ОТА-ОНАЛАРГА
НИСБАТАН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК**

Абдухалилов Ҳожиакбар Дилмурод ўғли,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Маъмурий ҳуқуқ кафедраси катта ўқитувчиси
E-mail: abdukhalilovkhojiakbar99@gmail.com
ORCID: 0000-0002-8479-7672

Абдуғаффоров Жамшидбек Адхамжон ўғли,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси курсанти

Аннотация: Ушбу мақолада фарзанд тарбиясига бефарқ муносабатда бўлаётган ота-оналарнинг жавобгарлиги, айниқса, маъмурий ҳуқуқбузарликлар контекстида ҳуқуқий асослари ва амалдаги механизмлари таҳлил қилинган. Болалар ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг жисмоний, маънавий ва интеллектуал ривожланишига масъул бўлган ота-оналар томонидан ўз бурчларини бажармаслик ҳолатлари жамиятда турли салбий оқибатларга олиб келиши таъкидланади. Мақолада маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шунингдек, фарзанд тарбиясида ота-оналар масъулиятини ошириш бўйича амалий таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: фарзанд тарбияси, ота-она жавобгарлиги, маъмурий жавобгарлик, ҳуқуқбузарлик профилактикаси, болалар ҳуқуқлари, назорат ва monitoring, маҳалла институти, профилактика инспектори, тарбияга бефарқлик.

**АДМИНИСТРАТИВНАЯ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ В ОТНОШЕНИИ РОДИТЕЛЕЙ,
ПРОЯВЛЯЮЩИХ БЕЗРАЗЛИЧИЕ К ВОСПИТАНИЮ ДЕТЕЙ**

Абдухалилов Ҳожиакбар Дилмурол ўғли,
старший преподаватель Академии МВД Республики Узбекистан
E-mail: abdukhalilovkhojiakbar99@gmail.com
ORCID: 0000-0002-8479-7672

Абдуғаффоров Жамшидбек Адхамжон ўғли
Курсант Академии МВД Республикаси Узбекистан

Аннотация: В данной статье анализируются правовые основы и действующие механизмы ответственности родителей, проявляющих безразличие к воспитанию детей, особенно в контексте административных правонарушений. Подчеркивается, что случаи невыполнения родителями своих обязанностей по обеспечению прав детей, их физическому, духовному и интеллектуальному развитию приводят к различным негативным последствиям в обществе. В статье

проведен сравнительный анализ законодательства об административной ответственности. Кроме того, выдвинуты практические предложения по повышению ответственности родителей в воспитании детей.

Ключевые слова: *воспитание детей, родительская ответственность, административная ответственность, профилактика правонарушений, права детей, контроль и мониторинг, институт махалли, инспектор профилактики, безразличие к воспитанию.*

ADMINISTRATIVE RESPONSIBILITY REGARDING PARENTS WHO SHOW ABSENCE IN THE UPBRINGING OF CHILDREN

Abdukhalilov Khojiakbar Dilmuroli ugli

*Senior Lecturer at the Academy of the Ministry of Internal
Affairs of the Republic of Uzbekistan*

E-mail: abdukhalilovkhojiakbar99@gmail.com

ORCID: 0000-0002-8479-7672

Abdugafforov Jamshidbek Adhamjon ugli

*Cadet of the Academy of the Ministry of Internal Affairs of the
Republic of Uzbekistan*

Abstract: *This article analyzes the legal foundations and existing mechanisms of parental responsibility for those who demonstrate indifference towards their children's upbringing, particularly in the context of administrative offenses. It is emphasized that cases where parents fail to fulfill their obligations in ensuring children's rights and their physical, spiritual, and intellectual development lead to various negative consequences in society. The article presents a comparative analysis of legislation on administrative responsibility. Additionally, practical proposals are put forward to enhance parental responsibility in child upbringing.*

Keywords: *child-rearing, parental responsibility, administrative liability, crime prevention, children's rights, control and monitoring, mahalla institution, prevention inspector, indifference towards upbringing.*

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76-моддасига кўра оила жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланади ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Республика фуқароларининг шахсий ва ижтимоий манфаатлари узвий мувофиқлашган оилани ҳимоя қилиш давлат аҳамиятига молик бўлган вазифалардан биридир.

Оилани муқаддас маскан сифатида эъзозлаш, оилада тинчлик-осойишталик, фаровонлик муҳитини қарор топтириш халқимизга азалдан хос бўлган фазилатлардир. Оила ва оилавий қадриятлар ҳар қандай инсон ҳаётида қуриладиган энг муҳим

пойдевор ҳисобланади. Шахснинг шаклланиши оиладан бошланади. Оилавий қадриятлар яхлит табиатнинг уйғун ривожланиши учун зарур кўникмаларни сингдиради.

Фарзанднинг келажаги оиладаги муҳитга боғлиқ бўлганлиги сабабли, кўплаб олимларнинг фикрича болаларнинг оилада яхши тарбия топиши юрт келажагига қўшиши мумкин бўлган хиссани оширади. Шу ўринда фарзанд тарбияси ота-оналар олдида улкан масъулият ва машақатни юзага келтиради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларини вояга етгунига қадар боқиши, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши хусусида ғамхўрлик қилишга мажбурлиги назарда тутилган

(77-модда).

Бугунги кунда айрим ота-оналар томонидан фарзандга бўлган муносабат ва унги тарбия бериш масаласи жиддий масалага айланмоқда. Хусусан, оталар томонидан ўз фарзандлари билан бирга кўнгилочар масканлар, сауна ва бассейнларга биргаликда боришлиги фарзандда энгил хаёт ва қисқа вақтли вақтичоғликни, ижтимоий хаётнинг фақат яхши томонларини кўриб катта бўлишлигини, энгил елпи хаёт турмуш тарзига ўргатиб қўйиш ҳолатлари афсуски мавжуд.

Қолаверса оналар томонидан ижтимоий тармқола орқали қилинаётган тўғридан тўғри эфир пайти ярим ёлонғоч ҳолда баданини оммага мақтаб сохта обрў орттириш орқали мўмайгина даромад қилиш ҳолатлари фарзандларнинг тарбиясини бутунлай ўзбек халқининг менталитетига батамом қарши қилиб вояга етишига замир яратмоқда.

Анашундай оилаларда униб ўсган фарзандлар келажакда ким бўлиши мумкин? Бу борада қонунчиликда қандай жавобгарликлар белгиланган?

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 47-моддасига биноан ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик жавобгарлиги назарда тутилган бўлиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгиланган.

Шунга қарамасдан, айрим ота-оналар томонидан ушбу норма талаблари қўпол равишда бузиб келиш ҳолатлари ҳуқуқни қўллаш амалиётида кузатилиб келинмоқда.

Хусусан, ижтимоий тармоқларда тарқалган видеолардан кўриш мумкинки, вояга етмаган фарзандига автомобиль бошқарувини топшираётган ота-оналарга нисбатан тегишли тартибда маъмурий баённомалар расмийлаштирилиб, уларнинг жавобгарлиги таъминланмоқда. Биргина Наманган вилоятида бўлган бахтсиз ходиса ота-оналарни бу борадаги вазифаларига жиддийроқ қарашига ундамади.

Жорий йилнинг март ойида Наманган вилояти Учқўрғон туманида

16 ёшли қиз Spark автомашинасини миниб кетаётиб, каналга тушиб кетган эди. Оқибатда орқа ўриндиқдаги онаси ва синглиси чўкиб кетган. Ҳайдовчи қиз ва отаси эса шифохонага ётқизилган эди.

Ота-оналар фарзанд тарбиясига жиддийроқ аҳамият қаратишлиги учун доимий равишда шундай ходисалар бўлиши керакми?

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон Қонунининг 17-моддасига асосан, Таълимни давлат томонидан бошқариш органларининг ва таълим муассасаларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари кўрсатилган бўлиб, таълим олувчилар, уларнинг ота-онаси ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиши вазифалари қўйилган.

Шунга қарамасдан айрим мутасадди ташкилотлар ҳамда ота-оналарнинг ҳаракатсизлиги натижасида вояга етмаган болалар қаровсиз қолиб, ғайриижтимоий ҳулқ атвори, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-263-сон Қонунининг 3-моддасига асосан қуйидаги тушунчалар келтирилган:

ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда бўлган оила — ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд уларнинг ҳулқ-атворида салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган оила;

назоратсиз — ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаганни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товланганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида ҳулқ-атвори назоратсиз қолган вояга етмаган

қаровсиз — аниқ яшаш жойи бўлмаган назоратсиз қолган вояга етмаган;

ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар — вояга етмаганнинг мунтазам равишда спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишида, фоҳишалик, тиланчилик билан шуғулланишида ифодаланадиган хатти-ҳаракатлари, шунингдек ўзга фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузадиган бошқа хатти-ҳаракатлари.

Ушбу қонунда ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар болаларини таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича мажбуриятларини бажара бориб, уларнинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиғи муҳофаза қилинишини, назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг профилактикасини таъминлаш мақсадида:

таълим муассасаларида ўқиётган вояга етмаганларнинг ўқиш вақтида ресторанлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, Интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналарда ёхуд бошқа кўнгилочар (дам олиш) жойларда бўлишига йўл қўймаслик,

бундан мазкур муассасаларда таълим фаолияти ёки таълим муассасаси томонидан ўтказиладиган тадбир доирасида бўлиши мустасно;

вояга етмаганларнинг спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишига, чекишига йўл қўймаслик;

вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўриши назарда тутилган.

Соҳани такомиллаштириш масаласида МЖТКнинг 47-моддаси (Болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик) нинг санкцияларини ошириш таклиф этилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ўРҚ-371-сон Қонуни.
4. Таштемиров А. Кибержиноятчилик ва унинг ўзига хос шаклланиш даврлари //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2023. – Т. 2. – С. 133-139.
5. Abduxalilov H. D., Xusanova M. M. Voyaga yetmagan jinoyatchining shaxsi //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 1. – №. 8. – С. 146-148.
6. Таштемиров А. А. и др. Ижтимоий тармоқлар орқали содир этилаётган жиноятларга қарши курашиш чора-тадбирлари //Models and methods for increasing the efficiency of innovative research. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 24-31.
7. Nasilloev A. The absence of civil conflicts-a priority direction in the activities of internal affairs bodies in ensuring the rule of law //American journal of education and learning. – 2025. – Т. 3. – №. 9. – С. 770-776.
8. Таштемиров А., Юлдошев Х. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда оммавий ахборот воситалари ва блогерлар билан ҳамкорликнинг ўзига хос жиҳатлари //Академические исследования в современной науке. – 2024. – Т. 3. – №. 17. – С. 55-61.
9. Abduxalilov X. et al. Profilaktika inspektorining qo ‘shmachilik qilish va fohishaxona saqlash bilan bog ‘liq jinoyatlar bo ‘yicha tezkor qidiruv bilan hamkorligini takomillashtirish //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2024. – Т. 3. – №. Maxsus son 12. – С. 78-84.

10. Насиллоев А. Ички ишлар органларининг лицензиялаш ва хабардор қилиш тартибдаги назорат ваколатлари ва уларни такомиллаштириш масалалари //Наука и инновация. – 2024. – Т. 2. – №. 38. – С. 23-25.

11. Ўғли А. Ҳ. Д., Усмонов А. Р. Ў. Сув тошқинлари пайтида жамоат хавфсизлигини таъминлаш //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2024. – Т. 4. – №. 5. – С. 299-307.

12. Абдухалилов Х. Д. Ў., Валиев Б. Б. Ў. Босқинчилик жиноятларини профилактика қилишнинг долзарб масалалари //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 1. – №. 7. – С. 116-119.

13. Abduxalilov H. D., Mustafoyev S. S. Huquqbuzarliklarning yakka tartibdagi profilaktikasi tushunchasiga oid nazariy taxlil //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 1. – №. 8. – С. 33-37.

14. Abduxalilov X., Ernazarov A. Implementation of preventive measures by prevention inspector for minors returning from penal institutions //Академические исследования в современной науке. – 2025. – Т. 4. – №. 3. – С. 93-96.

15. Abduxalilov X., Ismoilov I. Profilaktika inspektorining huquqbuzarliklarning viktимологик profilaktikasini tashkil etishda mahalla yettiligi bilan o'zaro hakmorligini takomillashtirish //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2024. – Т. 3. – №. Maxsus son 12. – С. 57-61.